
“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ” МАВЗУСИДАГИ ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Бугун “Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз” мавзусидаги иншолар танловининг вилоят босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича вилоят ҳакамлар ҳайъати ва унга кўмаклашувчи вилоят эксперт гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Танловнинг вилоят босқичи ғолибларини аниқлаш бўйича вилоят ҳакамлар ҳайъати ва унга кўмаклашувчи вилоят эксперт гуруҳи томонидан вилоят босқичи ғолибларини аниқлаш тадбири очик, шаффоф ва адолатли ўтказилмоқда.

Низомга кўра, танлов икки босқичда шаҳар-туман ва вилоят босқичлари бўйича ташкил этилди.

Бунда танловнинг биринчи босқичи уч гуруҳ кесимида - умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфлари, лицей ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилди.

Шунга кўра, танловнинг биринчи босқичида ғолиб бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11 синфларидан 19 нафар, лицей ва профессионал таълим муассасаларидан 6 нафар, олий таълим муассасаларидан 8 нафар жами 33 нафар иштирокчилар аниқланиб, уларни вилоят босқичида қатнашишлари учун йўлланмалар берилди.

Танловнинг вилоят босқичи ғолиблари 9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши кураш кунига бағишланган Аксилкоррупция ҳафталиги доирасида ўтказиладиган тадбирда эълон қилиниб, ғолиблар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ва совғалари билан тақдирланади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-30 19:49:42